

## БАНК ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИГА ОИД ТЕЗ-ТЕЗ БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР ВА УЛАРГА МУТАХАССИС ЖАВОБЛАРИ

т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Банк акциялари номинал қиймати қанча ?	1 дона акция номинал қиймати – 1 168 сўм.
2.	Банк акцияларига 2016 молиявий йил якунлари бўйича тўлаб берилган дивидендлар миқдори қанча?	2016 йил якуни бўйича дивидендлар фақат имтиёзли акциялар бўйича ҳар бир акцияга 292 сўм ёки акция номинал қийматининг 25 % миқдорида этиб белгиланди.
3.	Банк томонидан 2009 йилдан бери оддий акцияларга дивидендлар тўланмаслигига сабаб нима?	<p>“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасига асосан акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.</p> <p>Ўз навбатида банк Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан 2009 - 2016 молиявий йиллар якуни бўйича оддий акцияларга дивидендлар тўланмаслик тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинган.</p>
4.	Банк имтиёзли акцияларига қатъий белгиланган дивиденд миқдори қанча?	Банк уставига мувофиқ имтиёзли акцияларга белгиланган дивиденд миқдори акция номинал қийматининг 25 % миқдорида этиб белгиланган.
5.	Банк томонидан муомалага чиқарилган акциялар банк қайта сотиб олиш ҳуқуқига эгами?	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 37 - моддасига асосан жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга ҳақли эмас.
6.	Банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларни қай тарзда сотиш мумкин?	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги №196-сонли “Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан фуқаро ўзига тегишли бўлган банк акцияларининг олди - сотдиси бўйича фонд биржалари ва тегишли лицензияларга эга бўлган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо қилиш ташкилотчиларининг савдо тизимлари орқали сотиши мумкин.
7.	Банк томонидан муомалага чиқарилган депозит сертификатларнинг муддати ва фоизи тўғрисида маълумот беринг? (юридик шахслар учун)	<p>Банк томонидан қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатлар муомалага чиқарилган:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. 6 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> <li>2. 7 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> <li>3. 8 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> <li>4. 9 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> <li>5. 10 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> <li>6. 11 ойга –йиллик 14 фоиздан</li> </ol>

		<p>7. 12 ойга –йиллик 14 фоиздан Мижоз хошишига кўра депозит сертификатлар муддатидан олдин сўндирилганида банк томонидан йиллик 1 фоиз тўлаб берилади.</p>
--	--	---